

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚНИ РАЎБАТЛАНТИРУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399192>

Икрамов Нуриддин Камолитдинович
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси
мустақил изланувчиси

Аннотация. Сув ресурсларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш зарурати ва шарт-шароитлари тадқиқ қилинган. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг пасайтирилган ставкаларини ва оширувчи коэффициентларни қўллаш юзасидан таклиф-тавсиялар баён қилинган.

Калит сўзлар: сув ресурслари, сув истеъмолчилари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, сувни тежайдиган замонавий технологиялар, солиқ ставкалари.

Жамият аъзоларининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Маълумки, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини таъминланганлик даражаси кўп жиҳатдан улар яшаётган ҳудуднинг географик жойлашувига боғлиқ. Шундай бўлсада, истеъмолчиларнинг сув ресурсларидан фойдаланишини тартибга солиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни кенг қўллаш, сувдан фойдаланишни иқтисодий механизм орқали тартибга солиш улардан тежамкорлик асосида фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Ўз фойдаланишида сув ўлчагич асбоблари бўлган ва бўлмаган истеъмолчиларнинг сувдан фойдаланишга муносабати турличадир. Сув ўлчагич асбоблари бўлган истеъмолчилар сувдан имкон даражасида тежаб фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Чунки сувдан қанча кўп фойдаланса сув учун тўлов миқдори ҳам шунга мутаносиб равишда ошиб боради. Сув ўлчагич асбоблари бўлмаган истеъмолчиларда эса бунинг аксини кўриш мумкин. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда сувдан фойдаланишда замонавий технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлатиш

самарадолигини ошириш мақсадида “Барча ичимлик сув истеъмолчиларига ҳисоблагичлар ўрнатишни таъминлаш”[1] вазифаси белгиланган. Бу орқали сувдан фойдаланишни назорат қилиш имконияти яратилади.

Республикамизда сув ресурсларининг танқислиги кучайиб бораётган бир шароитда, улардан янада самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган иқтисодий механизмга устуворлик бериш зарур. Бунда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ механизмида истеъмолчиларнинг сувдан самарали фойдаланишини рағбатлантиришга қаратилган элементлар ўз ифодасини топмоғи керак.

Республикамизда асосий сув манбаи дарёлар ҳиссасига тўғри келади. «Ўзбекистон Республикаси Орол денгизи ҳавзасида жойлашган бўлиб, унинг асосий сув манбаи Амударё ва Сирдарё дарёлари, шунингдек, ички дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувларидир. Орол денгизи ҳавзасидаги барча манбаларнинг ўртача кўп йиллик сув оқими 116 млрд куб метрни ташкил этади, шундан 67,4 фоизи Амударё ҳавзасида ва 32,6 фоизи Сирдарё ҳавзасида шаклланади. Жумладан, ер ости сувларининг умумий захираси 31,2 млрд куб метрни ташкил этиб, унинг 47,2 фоизи Амударё ҳавзасига, 52,8 фоизи эса Сирдарё ҳавзасига тўғри келади»[2]. Бундан кўринадики, мамлакатда сувга бўлган талабни қондириш кўп жиҳатдан ушбу икки йирик дарёнинг сувига боғлиқ. Эътиборли жиҳати фойдаланиладиган йиллик сув ҳажмининг 52,0 млрд.м³ ёки 80 фоизи қўшни давлатлар ҳудудида шаклланса, 11,0 млрд.м³ ёки 20 фоизи Ўзбекистон ҳудудида шаклланади. Фойдаланиладиган сувнинг 49,9 млрд.м³ ёки 96 фоизи ер усти сув ресурсларига, 0,5 млрд.м³ ёки 1 фоизи ер ости сувларига, 1,6 млрд.м³ ёки 3 фоизи қайтар сувлар ҳиссасига тўғри келади[3]. Демак, мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш йилдан йилга долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилишни иқтисодий тартибга солишнинг асосий принципи сувдан фойдаланишни пулик тизимидир. Бунда сув истеъмолчиларидан

ундириладаган сув солиғи фискал сиёсатни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодчи-олим Ғ.Сафаровнинг фикрича, “Сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашда улардан фойдаланганлик учун солиқ муҳим аҳамиятга эга”[4]. Сувдан фойдаланганлик учун солиқ орқали тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолиятига таъсир кўрсатилади, яъни бу жараёнда солиқ иқтисодий механизм сифатида намоён бўлади. Мазкур солиқ кўп йиллар мобайнида ундириб келинаётган бўлсада, ўзининг етарлича самарасини кўрсатаяпти, деб бўлмайди. Бунинг сабабларини аниқлаш учун эса кенг доирада илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарур.

Иқтисодчи-олимлар А.Расулев, С.Воронин ўз тадқиқотларида чет эл тажрибаси асосида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ муаммоларини тадқиқ қилиб, «чекланган табиий ресурслар истеъмолини тартибга солишнинг энг кенг тарқалган иқтисодий воситаси сув учун солиқ ва тўловлар эканлигини қайд этган»[5]. Бу ерда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ сув истеъмолини тартибга солишнинг иқтисодий воситаси сифатида қаралмоқда. Шунингдек, улар мазкур солиқнинг фискал аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтган: «сувдан фойдаланишдан олинадиган даромадлар ўрмон хўжалиги, овчилик ва балиқчилик, тоғ-кон саноати, тупроқдан фойдаланиш учун солиқлар ва йиғимлар (масалан, кум ва шағалдан фойдаланганлик учун) билан бир қаторда даромадларнинг умумий тоифасига киритилади. Сўнгги 20 йил ичида ИХТТ мамлакатларида ушбу тушумлар ЯИМнинг ўртача 0,2 дан 0,1% гача қисмини ташкил этади»[5].

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ миқдори товар (иш, хизмат)ларнинг реализацияси ёки корхона фаолиятининг муайян молиявий натижаларига боғлиқ бўлмай, солиқ миқдори истеъмол қилинган сувнинг ҳажми ва солиқ ставкаси даражасига бевосита боғлиқ. Иқтисодчи-олим Д.Қурбанов ўз тадқиқотларида “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, унинг ставкаси белгилаб беради”[6], деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат мазкур солиқ механизмида солиқ ставкаси муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, давлат бюджети

параметрлари тасдиқланаётганда қатъий миқдорда белгиланган солиқ ставкалари, жумладан мазкур солиқ ставкалари ҳар йили қайта тасдиқланади. “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг қатъий миқдорда белгиланганлиги, инфляциянинг таъсири солиқ ставкаларини ҳар йили индексация қилиш заруратини тақозо этмоқда”[7]. Лекин солиқ ставкаларини тадбиркорлик субъектларининг сув ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсири етарлича тадқиқ қилинмаган.

Амалиётда бошқа солиқларга нисбатан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ баъзасини аниқлаш ва солиқ суммасини ҳисоблаш бир қадар осон. Лекин республикамизда бир неча йиллардан эътиборан мазкур солиқ ундириб келинаётган бўлсада, унинг рағбатлантирувчи самараси унчалик сезилмаяпти. Бу эса, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни назарий жиҳатдан чуқур асослашни, амалдаги механизмини таҳлил қилиш асосида уни такомиллаштиришни тақозо этади.

Қайд этилганидек, солиқ миқдори солиқ базаси ва ставкасига боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига мувофиқ ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти ҳисобланиб, фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ базасидир[8]. Демак, мазкур солиқ базаси фойдаланилган сувнинг ҳажмидан иборат. Фойдаланилган сувнинг ҳажмини аниқлаш жараёни ўзига хос мураккабликларга эга. Тўғри, бугунги кунда сув истеъмолчиларининг аксариятида сув ҳисоблагичлар ўрнатилган. Лекин мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқарида сув истеъмолининг асосий қисми, яъни 45,9 млрд.м³ ёки 90 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланилса, 2,3 млрд.м³ ёки 4,5 фоизи коммунал хўжаликда, 2,2 млрд.м³ ёки 4,3 фоизи саноат ва энергетика соҳасида, 0,6 млрд.м³ ёки 1,2 фоизи балиқчилик соҳасида фойдаланилади[3]. Сув истеъмолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланилишини инобатга олиб, ичимлик суви истеъмолчилари билан бирга бошқа мақсадларда фойдаланилаётган сув учун ҳам замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиш айти вақтда аҳамиятлидир.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий қилиш орқали фискал ва рағбатлантириш вазифалар белгиланган бўлсада, мазкур солиқ йиллар мобайнида ҳар иккала вазифани ҳам етарли даражада бажармаган. Айниқса, унинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти жуда камни ташкил этади. Жумладан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг давлат бюджети даромадларидаги улуши энг кам улушга эга бўлиб, ўртача 0,3-0,4 фоизни ташкил этади холос. Шу жиҳатдан олиб қараганда мазкур солиқ сув ресурслари сифатини яхшилаш учун давлат харажатларини молиялаштириш имкониятининг анча пастлигини намоён этади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари сувдан фойдаланувчи соҳаларнинг сувдан фойдаланиш хусусиятига кўра табақалаштирилган ҳолда белгиланган. Шунингдек, солиқ ставкалари сувдан фойдаланувчиларнинг фойдаланиш манбаларига кўра (ер усти ва ер ости манбалари) ҳам табақалашган. Эътиборли жиҳати сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ҳар йили индексация қилиб келинмоқда.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ муҳим иқтисодий механизм ҳисоблансада, сув ресурсларининг чекланганлиги, айниқса тоза ичимлик сувига бўлган талабнинг мунтазам равишда ортиб бориши сувдан фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўришни тақазо этмоқда. Бунда биринчи навбатда истеъмол қилинган сув миқдори ҳисобини юритиш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг пасайтирилган ставкаларини, аксинча оширувчи коэффициентларни қўллаш амалиётига ўтилиши зарур. Токи, ҳар бир сув истеъмолчиси фойдаланилган сув ҳажмини аниқ ҳисоб-китоб асосида

юритиши, сув учун тўлов ва солиқни мос равишда тўлаш механизмига ўтилиб, сув ресурсларидан янада самарали ва оқилона фойдаланишга ҳаракат қилсин.

Сув ресурсларининг чекланганлиги ва сувга бўлган талабни мунтазам равишда ошиб бориши ундан тежамкорлик асосида, самарали фойдаланиш заруратини тақозо этмоқда. Бундай шароитда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш талаб этилади. Сувни тежайдиган технологиялар кенг қўлланилмас экан, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳақида қанчалик бонг урилмасин кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боис, сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Бунда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган сув истеъмолчилари учун муайян солиқлардан имтиёзлар бериш, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг пасайтирилган ставкаларини жорий этиш, аксинча исрофгарчиликка йўл қўйганда таъсирчан механизмларни қўллаш айни муддаодир.

Мазкур солиқнинг самарадорлигини оширишда сув учун табақалаштирилган солиқ ставкаларини қўллаш услубиятини ишлаб чиқиш, фойдаланилган сув ресурслари учун солиқ солиш ва жарималар тизимини такомиллаштириш, бунда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ««ЎЗБЕКИСТОН - 2030» СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА»ги ПФ-158-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/6600413>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон фармони, <https://lex.uz/docs/4892953>
3. <https://www.greenpolicyplatform.org/sites/default/files/2022-06/3>
4. Сафаров Ф. А. Хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати //Т. Академия. – 2006.
5. Расулев А.Ф., Воронин С.А., Угай Д.С. Налогообложение использования водных ресурсов: проблемы и их решение. //«Иқтисод ва молия». - Тошкент, 2022, 3-сон. - Б. 34.
6. Курбанов Д.Р. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш услубияти ва ундириш механизмини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Т.: БМА, 2017.- 14 б.

7. Сафаров Ғ.А. Табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2023. - 28 б.

8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (442 ва 443-моддалари), <https://lex.uz/docs/4674902>

